



## Ярим йиллик яқунлар

(ЎЗССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ ЙИГИЛИШИДАН)

Кеча ЎзССЖ ИИВ ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жумҳурият ички ишлар идоралари томонидан шу йилнинг биринчи ярмида қилинган ишлар ҳақида муҳокама этилди. Жумҳурият ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари милиция генерал-майори В. Гусев маъруза қилди.

Йил бошида жиноятчиликнинг ўсиш суръати сусайгани сезилганди. Утган муддат ичида бу янада яққолроқ кўринди. Жумҳурият Президенти ва ҳукуматнинг ижтимоий, иқтисодий соҳаларда олиб борган сиёсати бунда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Ҳуқуқ-тартиботни сақлашда ички ишлар идоралари кучидан оқилона фойдаланилди, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар турмуш тарзи қаттиқ назоратга олинди, вазияти мураккаб туман ва шаҳарларда кўнгилсизликлар олдини олиш чоралари кўрилди. Бу ижобий натижа бериб, оғир жиноятлар сони деярли 600 тага қисқарди. Қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш сезиларли равишда кам содир бўлди. Кейинги йиллар давомида биринчи марта босқинчилик ҳужуми анчага (—20,7 фоизга) қисқарди. Жамоат жойларида қайд қилинган жиноятлар сони 8 фоизга, безорилик кўринишлари 10 фоизга озайди.

Шунга қарамадан оператив ҳолат анчагина мураккаб. Умумий жиноятчилик 3 фоизга ўсди. Такрорий жиноят, тўда бўлиб қонунга хилоф ҳатти-ҳаракат содир этиш кўпайди. Болалар ва ўс-

мирлар ўртасидаги жиноятчилик жиддий ташвишга асос бўлмоқда.

Бу борада енг шимариб ишланиши керак. Чунки иқтисодиётдаги ўзгариш, аҳолининг мулкий табақаланиши, ахлоққа путур етаетганлиги, оила ва мактабнинг балоғатга етмаганларга таъсири сусайганлиги ёшлар ўртасида носоглом фаолликни кучайтиришга олиб келиши мумкин.

Хонадонлардан ўғирлик 5 мингтага етиб, ярим йил ичида 8,5 фоизга ортди. Талончилик миқдорида камайиш юз бермаётир, зўрлаб номусга тегиш ҳоллари кўпайди. Фуқаролар мулкни ўғирлашнинг умумий сони эса 11 мингдан ошиб, уларнинг атиги учдан бир қисми очилган, холос.

Оилавий-маиший негизда барча қотилликнинг 60 фоизи юз берган. Оғир тан жароҳати етказиш ва қотилликнинг ҳар иккитадан бирига маиший можаро, рашк, ўзаро ёмон муносабат сабаб бўлмоқда.

Талончилик ва босқинчиликнинг ҳар учтадан биттаси очилмай қолаётир. Пойтахтда бу кўрсаткич 50 фоизга етди. Тошкентда рўйхатга олинган 516 та автоуловни ўғирлаш ва олиб қочишдан 453 таси очилмади.

Ҳозир жиноят оламининг қатор соҳалари, жумладан фоҳишабозлик, фирибгарликнинг айрим турлари амалда милиция назоратидан четда қолмоқда.

Жиноят қидирувдаги энг долзарб муаммолардан бири — бу кадрлар масаласидир.

Штатлар бутланмаган, кадрлар қўнимсизлиги камаймапти, юқори малакали ходимларнинг халқ ҳўжалигига ўтиб кетиши давом этмоқда.

Иқтисодиётда сунистеъомлга йўл қўйиш кенг тарқалмоқда. Жиноий характерга эга ишбилармонлик куч йиғайтган бир пайтда камёб моллар ва хизматлар рўйхати ортиб бормоқда. Ҳаразлик жиноят барча тармоқ ва соҳада бор. Шунинг учун БХСС хизмати фаолияти яхшиланганини кўрсатувчи рақамлардан қониқиб ҳосил қилиб бўлмайди.

Жумҳурият бўйича кўчқўйда юз бераётган жиноятлар сони қисқараётганига қарамадан айрим жойларда бунинг аксини кўриш мумкин. Жумладан, пойтахтда қотиллик 2,5 бараварга, Хоразм вилоятида оғир тан жароҳати етказиш 2 бараварга ортди. Сирдарё, Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон жумҳуриятида кўчада шахсий мулк ўғирлашнинг ўсиши 37 фоиздан тортиб 118 фоизни ташкил этди. Пост-патруль хизмати томонидан жиноятчиликни очиб ёмонлашди. Шаҳар ва қўрғонларнинг марказларида ППХ милиционерлари ҳаддан зиёд кўп, қоронғи кўчалар, нотинч жойларда эса уларни учратиш қийин.

Юзага келган вазиятдан келиб чиққан ЎзССЖ ИИВ ҳайъати жумҳуриятда жиноятчилик билан курашни ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашни кучайтиришга қаратилган тадбирларни қабул қилди.



ЎЗ-ЎЗИГА талабчанлик — самарали ишватнинг бош омилдир. Айниқса, қонунчилик посбонларига бу ҳислат сув ва ҳаводий зарур. Сиз суратда кўриб турган, боқиларидан ишонч ва самимият балқиб турган Умаржон Рўзиматов Учқўрғон тумани ички ишлар бўлимида участка вакили лавозимида ишлаб келмоқда.

Умаржон эндигина ўттиз баҳорини қаршилаган бўлишига қарамай бой ҳаётини тажрибага эга. У қўшни Афғонистон диверди йиғитлик бурчини ўтаган. Икки нафар ширин-шакар гўдақининг отаси. Маълумоти олий. Бироқ Умаржон Рўзиматов ўз маълумотини етарли, деб ҳисобламайди ҳали. У бошқалар тажрибасини кунт билан ўрганиб, ўз устида тинчсиз ишламоқда.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган сурат.

## Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТУҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССРнинг давлат солиқ идоралари туғрисидаги Низом тасдиқлангани муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўзбекистон ССРнинг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 1985 йил 13 декабрдаги Ўзбекистон ССР қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССРнинг Маъмурий ҳуқуқбузарлик туғрисидаги Кодексига (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Водомостлари, 1985 йил, № 35, 411-модда):

а) 175, 175<sup>1</sup> ва 176-моддалар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«175-модда. Фойда (даромад)ни яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яширганлик (ҳисобга олмаганлик), шунингдек бухгалтерлик ҳисоб-китобининг йўқлиги ёки ҳисоб-китобни белгиланган тартибни бузиб олиб борганлик ҳамда бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатганлик, солиқларни ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган бошқа тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бўлган бухгалтерлик ҳисоботлари, баланслар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик, —

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг айбдор мансабдор шахсларига тўрт юз сўмдан саккиз юз сўмгача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Маъмурий жазо берилганидан кейин бир йил мобайнида такрор содир этилган худди шундай ҳатти-ҳаракатлар. —

саккиз юз сўмдан бир минг беш юз сўмгача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади».

«175<sup>1</sup>-модда. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузганлик ёки тадбиркорликнинг тақиқланган тури билан шуғулланганлик

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузганлик ёки тадбиркорликнинг махсус тақиқланган тури билан шуғулланганлик, даромадлар ҳисоб-китобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб борганлик, даромадлар ҳақидаги декларацияларни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик ёхуд декларацияга нотўғри

маълумотларни киритганлик,

фуқароларга юз сўмдан беш юз сўмгача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Маъмурий жазо берилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган худди шундай ҳатти-ҳаракатлар. —

беш юз сўмдан саккиз юз сўмгача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади».

«176-модда. Давлат солиқ идораларининг қонуний талабларини бажармаслик

Давлат солиқ идораларининг қонуний талабларини бажармаганлик, шунингдек уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришига халақит берганлик. —

мансабдор шахсларга ва фуқароларга юз сўмдан беш юз сўмгача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади».

б) 228-модданинг биринчи қисмидан «175, 175<sup>1</sup>, 176» рақамлари чиқариб ташлансин;

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

Тошкент шаҳри,  
1991 йил 14 июнь.

в) Кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 2542-модда билан тўлдирилсин:

«2542-модда. Давлат солиқ идоралари

Давлат солиқ идоралари ушбу Кодекснинг 175, 175<sup>1</sup> ва 176-моддаларида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар туғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Давлат солиқ идоралари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо беришга давлат солиқ идораларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳақлидирлар».

г) 321-модданинг иккинчи қисмидан «175, 176» рақамлари чиқариб ташлансин.

2. 1959 йил 21 майдаги Ўзбекистон ССР Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал Кодексининг (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Водомостлари, 1959 йил, № 6, 3-модда), 97-моддаси қуйидаги мазмунда бўлган 7-банд билан тўлдирилсин:

«7) давлат солиқ идоралари — солиқ ҳақидаги қонунлар бузилганлиги туғрисидаги ишлар бўйича».

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

Н. КАРИМОВ.

# МЕНИНГ СЎРОВЛАРИМ

## 1-СЎРОВ:

### ЭРНИНГ АЙБИ ЭРКАК БУЛГАНИМИ?

БИР дўстим турмуш ўртоғи билан ажралишди. Туман халқ суди уларнинг никоҳини бекор қилгач, собиқ эрнинг маошидан собиқ хотинга 25 фоиз миқдорда нафақа ундириш ҳақида «ажрим чиқарди Сабаби, уч ёшли фарзандлари она тарбиясида қолдирилганди. Хотин кетди, бола кетди, маош қирқилди Хўш, дўстимнинг гуноҳи нима? Эркак бўлиб туғилганими? Ахир, ажрашишга арзани у эмас, рафқаси ёзган-ку! Нега қонун аёл ҳуқуқини тан олади-ю, эркак ҳуқуқини камситади? Ҳолбуки, қонун бўйича ҳар иккиси ҳам тенг ҳуқуқлидир. Яна бир мисол, Хотин эрнинг устидан участка вакилига (милицияга) шикоят ёзди. Вакил ўзи гувоҳ бўлмаган жанжал учун ярим варақ шикоят асосида эрни тергай бошлади. Ахир, эркак киши хотини устидан шикоят ёзмаслиги тентакка ҳам аён-ку! Бу нарса на вакилни, на ҳуқуқшуносларни ўйлантираётгани йўқ. Дейлик, хотин эрнинг ишончасига арз қилиб борди. Агар раҳбар оқил бўлса, ҳубу ҳуб, сал калта ўйлайдиган бўлса-чи? Додингизни худого айтасиз?

Хотин фоҳишаллик қилса, фақат силлиққина ажратадилар. Эрни эса калтақлагани учун қамайдилар. Хотинни бегона эркак билан тутиб олиб, жаҳл устида пичоқлаб қўйган эр қотил деган номни олиши ва қамалиши аниқ. У ўз ор-номусини ҳимоя қилиб, эркаклик шанига тушаётган доғни югани учун қотил деган номни олиши тўғримики? Бу пок эркакни таҳқирлаб, фоҳишани оқлаш эмасми? Дейлик, шундай ҳолатда хотин тирик қолди. Аммо унга тан жароҳати етказгани учун эр барибир қамалади. Фоҳишага эса жазо йўқ. Ахир, фоҳиша ўз хиёлати билан бир одамнинг умрига зомин бўлапти-ку! Афсуски, қонун бу томон билан қизиқмайди. Шу босдан ҳам эри бўла туриб фоҳишаллик қилаётган аёллар кўпайиб кетмоқда. Қадимда никоҳсиз зино қилган зония (аёл) ва зинокор (эркак) эски девор тағига ётқизирилиб, устидан девор қулатилар экан. Ҳозир-чи!...

Эндиги масала юзасидан эса қонунлар мажмуасига мурожаат қилайлик. Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуасининг (янглишмасам) 99-моддасида икки ёки ундан ортиқ хотини бор эркак (камида бир йил) жазога тортилиши ёзилган. Бироқ «икки ёки ундан ортиқ эри бор аёл» ҳақида лом-мим дейилмаган. Биз қонунларимизни инсонпарвар деймиз. ХУШ, АЕЛ ИНСОН-У, ЭРКАК ИНСОН-МАСМИ!

Яна бизда оналик ва болаликни ҳимояловчи қонуну кўмиталар бор (борлиги яхши), лекин оталик ва болаликни ҳимоя қилиш эса негадир ҳеч кимнинг эсига келмаётми!

Ушбуда қайд этилган мулоҳазаларга адлиямиз мутасаддилари эътиборларини қаратишди, деб умид қиламиз.

## 2-СЎРОВ:

### «ЙИГИТ ОМОН БУЛСА...»

ЯҚИН-ЯҚИНГАЧА битта мавзу «ДОЛЗАРБ» бўлиб келар, қўлида қалам тутта оладиган муҳбирман, рассомман, деганининг бир қанчаси шу мавзунинг тағига осилиб олганди. Яъни, «тоғни урса, талқон қиладиган дөвдек йиғитлар савдо растанларида аёллар ички ийилимини сотмоқда!» Бу мавзудан нон еганлар мени кечирсинлар-у, аммо санаб чиқса, эллик нафардан ортмайдиغان «дөвдек йиғитлар» касрига амалда 50

миллион эркак устидан оқваа тўкиш шартмиди?

Гапнинг очиги, кейинги икки йил давомида савдо шахобчалари бўйлаб ўтказилган юзга яқин текширувда қатнашдим. Қасам ичиб айтаманки, савлати ноғора қилиб чалинган, «девсифат»ларни бирор марта аёллар ичкийими ёки атир-упа бўлимида учратганим йўқ. Аммо ўша «ур-ҳо-ур» мақолаю ҳажвий суратлар оқибатида кўп-лаб эркаклар савдо соҳасидан кетиб, жойини аёлларга бўшатдилар. Эндиликда озиқ-овқат, хўжалик анжомлари дўконларида ҳам аёлгиналар ун, гуруч тўла қопларни, музлатгич ойнаи жаҳонларни ҳаммолдек ташимолдалар. Қачондан бери савдо-сотиқ аёл кишининг чекига тушиб қолди? Қайси тўзум ёки даврда ўзбекнинг эркаки қолиб, аёли тўрхалта кўтарган?

Мақтаб, боғча, судлов идораларига кирсангиз, эркак зоти анқога шафез. Фақат мардикор расталарида кўрамиз ўз қавимизни. Нарх-навоининг «шарофати» билан чойхоналар ҳам анча бўшаб қолган. Бир вақтлар аёл кишидан раҳбар тайинлаш расм бўлганди. Икки юз нафар шери мардга бир аёл бош-қош. Бу ҳол эркак учун ҳам, ўша аёл учун ҳам ноқулай эмасми? Мянг шукрки, энди осроқ эсу инсоф битиб, аёл кишини ҳақиқий уй беқасига айлантириш ҳақида ўйлаб қолдик. Шу баҳонада эркакларга ҳам қисман эътибор қаратилди. Лекин ҳали ҳам эркакнинг қадри аждоқлар давридагидан бир неча баробар пастда. Бу гаплар балки кимларгадир эриш туюлар, айримлар бошқача тушунишар, аммо бу ҳақда чуқурроқ фикр юритиб, эркаклар тўғрисида гамхўрликни куचाйтирмасак, оқибати хунук тугаши мумкин. Ахир, академикшоиримиз Гафур Гулом: «Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ...»— деб бежиз айтмаганлар.

Шу хусусда (балки кулгилидир!) айрим таклифларимни изоҳ билан билдирсам:

- а) маълумки, бешикда гўдаги бор аёлларни баъзи ҳолларда жиноят жавобгарликка тортиш муддатли чекиртирилади, шундай имтиёз ўша гўдакнинг отасига ҳам берилса;

## ИЗОҲ:

ёш боласи бор ота (қонун йўли билан) жазоланса, бу онага салбий таъсир қилиши аниқ. Натияжада онадаги асабийлик, руҳий тушунлиқ сут орқали болага ўтади;

б) ёш болалик аёллар узоқ муддатли хизмат сафаридан озод қилинадилар. Бу имтиёздан эркаклар ҳам фойдалансалар;

## Изоҳ:

ёш бола она баробарида отага ҳам талпинади, ота узоқ муддатли хизмат сафарига кетса, бола соғиниши ва натияжада ичкилик қилиши мумкин. Бу ўз ўрнида боланинг овқатланишига, уйқусига салбий таъсир қилади;

- а) никоҳ бекор қилинганда ўртадаги болалар икки, уч нафар бўлиб, 12 ёшга тўлмаган бўлсалар, она тарбиясига берилди. Менимча, бу адолатдан эмас. Фарзандларининг (ёшидан қатъий назар, элизили бўлмаса бас!) бири агар ота талаб қилса, унга берилиши керак.

## Изоҳ:

айрим оилаларда бир неча фарзанд бўлиб, уларнинг бири отасига, бошқаси онасига кўпроқ меҳр қўядилар. Эр-хотин ўртасидаги никоҳ бекор қилинётган вақтда бу нарса эътиборга олинмиш керак;

г) кўп болали оилаларда имтиёз она баробарида отага ҳам тегишли бўлса;

## Изоҳ:

Бу таклиф амалга ошса, аёллар юмушини енгиллатиши аниқ. Негаки, имтиёз эру хотинга баробар берилса, уй олиш вақтида, бирор йўналишга чипта харид қилишда фақат аёл киши оёндан қолиб югуравершдан анча халос бўлади.

ЮҚОРИДАГИ мулоҳазалар бўйича мутасаддиларимиз ўйлаб кўришса, яхши бўларди.

## 3-СЎРОВ: ОДОВ ЕШДАМИ?

ЯҚИНДА бир юмуш билан Октябрь тумани ижроқўмига бордим. Раис қабулхонасига кирдим. Ешгина ўзбек қизи (балки келинчақдир) котиба курсисига ўтирибди. Ўзбекчиликда эшикдан биров келса, салом-алик қилинади. Мен: «Ассалому алайкум, мумкинми, синглим!»— дедим. Қизгина бир афтимга қаради-ю, индамади. Худо ўзбекка одов улашаётганда бу синглимиз ҳуснига наватда эканлар-да, деб ўйладим ва иккинчи саволни сўрадим:

## — Раис боримлар!

Битта ўкрайишу совуққина «йўқ!» жавобини олдим.

ҚАДИМДА етти нафар катта ёшли аёл даврасида биргина етти яшар ўғил бола бўлса, фотиҳани аёллар эмас, етти яшар бола ўқир экан. Сабаби, бу эркак зотига ҳурмат-эҳтиром! Шарқона тарбия! Шу ваздан ҳам турмушда аҳил бўлганлар аждоқларимиз. Негаки, ҳурмат қилсанг, иззат топсан!

Гапнинг очиги, ўша қизгинага икки оғиз сўз айтмай дедиму яна ўйлаб қолдим: «Ёши йигирмадами, йигирма бешдеми? Неча ёш бўлса-да, шу ури давомида уқмаган одобни икки оғиз сўз билан уқтириб бўлармикини?»

Мен ҳам анчагина нуфузли идорада, масъул лавозимда ишлаганман. Бизнинг раҳбарлар биринчи кунданок тайинлашган:

«Одамлар билан аввал муомалани билдинг. Чунки Сизга арз билан фирқа котиби ҳам, оддий ишчи ҳам келади. Ҳаммасини бирдай кўриб, савол-жавоб қилинг. Арзачи жанжалкашроқ бўлса, Сиз мулоим бўлинг. Чунки Сизга қараб бизга ҳам баҳо беради одамлар!»

Мен ҳам бу ҳақли талаб, айни чоғда шарқона удумни ўз котибамга етказган эдим: «Синглим, сиз ёшсиз, мен ҳам. Аммо ақл ёшда эмас. Ташрифчилар олдида сиз менинг юзим ҳисобланасиз. Сиз олган баҳо, менга ҳам берилаёгани унутманг!»

Ушбуда халқ билан муомалада бўладиган катта-кичик мутасаддилар ҳам тегишли ҳулоса чиқаришлари лозим.

## ХУЛОСА ЕКИ 3-СЎРОВГА ЯҚУН

МАҲФУЗАХОН исми ўрта яшар оламиз котиба бўлиб ишга келдилар. Бир кун иш юзасидан бир жойда ушланиб қолиб, ишга кечроқ келдим. Эшикдан киришим билан Маҳфузахон она салом бердилар. Салом-алиқдан сўнг: «Опа, мен укангиз тенгиман. Лавозим ўз йўлига, мен салом берай, сиз алик олинг!»— дедим. Опа: «Сиз эркак кишисиз. Салом биздан бўлиши шарт»,— деб жавоб қилдилар. Индамадиму опани кузата бошладим. Ҳақиқатда ўзларидан ёшми, кексами эркак киши келса, ўринларидан туриб, биринчи бўлиб салом берар эканлар. Хўш, шундай аёлни ҳурмат қилмай бўладими? Тўғри, оқила, мусулма аёлларимиз жуда кўп. Лекин мен ҳамма аёлларимиз оқила бўлишларини истар эдим.

Дилмурод САИДОВ, журналист.



ТИНЧЛИК посбони деганда беихтиёр кўз олдимизда милиция участка вакиллари гавдаланади. Дарҳақиқат, кундалик ҳаётимизда қандайдир кўнгилсизликка дучор бўлсак, уларнинг ҳузурига шошилмасиз. Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманида ҳам керак бўлса фуқаролар осойишталигини кўксини қалқон қилиб ҳимоя этадиган фидойилар бор. СУРАТДАГИ милиция капитани Адҳам Каримов ва милиция лейтенанти Панжи Соиповлар ана шулар жумласидан.

Сураткаш С. МУСАЕВ.

## ИҲҚОЛСИН АҲЮН!

# КУЛГИ ЙИҒИГА АЙЛАНМАСИН

Кўннори ёки наша истеъмол қилган одамни кўрганмисиз? Одатда бундайлар гайриоддий равишда хушгаҳчақ бўлиб қолишади. Арзимаган нарсага ҳам қоринни ушлаб, юмалаб-юмалаб кулаверишади.

Айтишларича, ана шу наркотик моддалар киши организмга тез сингиб, дастлаб қандайдир ҳузур бағишлармиш. Одам ўзини қушдек енгил ҳис қилармиш, кўнглида ҳеч қанақа гўбор қолмасмиш.

Бўлса бордир. Лекин шуниси ачинарлики, баъзи фуқаролар вақтинчалик сархушдик учун ўз саломатлигини, обрўсини, келажагини бой бераётганини ўйлаб ҳам кўришмайди. Озгина чекиб оладиларда, биринчи бўлиб ўз устидан кула бошлайдилар, кейин бошқаларга майна бўлишади. Ҳатто улар ана шу сархушликни насл ҳалокатига алмаштираётганларини ҳам тушуниб етмайдилар.

Ички ишлар бўлимимизда ҳам ана шу ярамак иллатга қарши жиддий кураш олиб борилаёти. Гийҳвандлар ва наркотик ўсимликлар етиштираётган аниқланиб, чора кўришмоқда. Расул Тойлоқов туманимиздаги «Ёш Ленинчи» қишлоғида истиқомат қилади. Еши 29 да. У

ўз томорқасида 23 туп кўннори ва 3 туп наша ўсимлигини «меҳр» билан парвариш қилаётган экан. Худди шунингдек, томидан бир ярим килограмм қуритилган кўннори топилди ва йўқ қилинди. Сирдарё шаҳрининг Темир йўл кўчасидаги 302-уйда яшайдиган Александр Нечепуренко ҳам захри қотил шайдоси экан. Унинг томорқасида 30 туп кўннори экилгани аниқланди ва пайҳон қилинди.

Булар-ку, ёш дейлик. Лекин кўпни кўриб қўйган ота-хонларимизга нима бўлди? Ёшларга бу ишнинг хунук натияжасини тушунтириш ўрнига...

«Сирдарё» давлат ҳўжалигидан Ҳамза Исаров, «Малик» давлат тажриба ҳўжалигидан Ҳайдар Утабоев, «Правда» жамоа ҳўжалигидан Каримбой Сегизбоев каби оппоқ соқолли нуронийлар эжан зарарли экинлар ҳам йўқ қилинди.

Сийқаси чиққан гап бўлса ҳам, яна бир марта таъкидламоқчиман: нашаю кўннорининг вақтинчалик лаззатига учманг. У бахш этадиган кулги кейинчалик йиғига айланади.

Юсуф СОДИҚОВ, Сирдарё шаҳар ва тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция майори.



— Йўлингиз бехатар бўлсин,— дейди Қарши тумани ИИБ ДАН ходими милиция сержанти Комилжон Турсунов хизмат тақозоси билан мулоқотда бўлган кишиларга. Суратда: К. Турсунов, А. НУРОВ олган сурат.

## Оғриқли нуқталар...

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган инсонлар таъбир жоиз бўлса, дунё кўйлагини қирлардан тозалашда ниятида ҳузур-ҳаловатидан, оромидан юз ўгириб, туну кун хизмат қилаётган кўнгил хотиржамлигининг посбонлари.

Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида истиқомат қилиб юрган кезларимда кўча-кўйда ИИБ ходимларини кўрганимда, беихтиёр: «Буларнинг иши жуда энгил бўлса керак», — деб ўйлаб қолардим.

Яқинда хизмат тақозоси билан уларнинг ишлари билан яқиндан танишдим. Шунда тинчлик посбонларининг хизмати ўта масъулиятли, оғир, айна дамда хотиржамликдан мутлақо йироқ эканлигини билдим, сездим.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи Ҳасан Қодиров хонасидаман:

— Бўлимимизда жами 125 та ходим фаолият кўрсатади. Содир этилаётган жиноятларни очишда жиноят қидирув бўлимнинг катта оператив вакили милиция майори Даврон Собиров, ЖҚБнинг оператив вакили милиция катта лейтенанти Низом Ҳуманов каби ишига жонқурларнинг хизмати бениҳоя катта.

Давроннинг ўзи бизларни ходимлар учун шароит яратиш беришга мажбур қилапти. Яқинда ички ишлар бўлими ҳовлисида сауна, спорт майдончаси, тир ишга туширилди. Ходимлар бўш вақтларини шу жойларда мазмунли ўтказишмоқда. Вояга етмаган ўсмирлар, ёшлар билан ишлашни янада яхшилаш мақсадида уларни ҳам бу ерга жалб қилишни режалаштирганмиз.

— Нима сабабдан айнан уларга эътиборни қаратмоқчисизлар?

— Туманда аксарият ўғирлик, безорилик ҳолатлари вояга етмаган ўсмирлар томонидан содир этилмоқда, — дея сўзга қўшилди ички ишлар бўлими бошлиғининг оператив ишлар бўйича ўринбосари милиция капитани Абдуқодир Вобожулов. — Ҳар хил жиноятлар бўйича 1990 йилда 42 та, 1991 йил бошидан шу кунгача 14 та гуруҳ қўлга олинди. Гуруҳларга икки ва ундан ортиқ шахслар бирлашган. Аксарият ҳолларда жойларда хонадонларга ўғирликка тушиб, уй жиҳозларини ўмартиш, чорвасини ўғирлаш фактлари содир бўляпти. Гиёҳвандлик, боққилчилик, қотиллик ҳолатлари юз бермоқда.

— Юсуфлар қатори камчиликлар ҳам бўлса керак?


— Албатта. Камчиликлардан, айниқса, бизларни транспорт воситаси етишмаслиги кўпроқ қийнайди. Яхшиям баъзи ходимларнинг уловлари бор. Оғир вазиятларда шулардан фойдаланамиз. Кўриб турганингиздек биномиз жуда эски, хона жиҳозлари кам. Жойларда жон кўйдириб хизмат қилишайтган 13 нафар участка инспекторининг шароити ҳақида (2-3 таси ҳисобга олинмаса) гапирмасак ҳам бўлади.

Бундай камчиликлар бизнинг ҳам, давроннинг ҳам оғриқли нуқталарига айланиб қолган.

Оғриқли нуқталар... Шу сўзларни эшитганимда, назаримда жиноятчилар, улар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони кескин ошиб кетгандек туюлди менга. Булар эса ўзини виждонли деб ҳисоблаган, ички ишларда хизмат қилаётган ҳар бир ходимнинг дардидир. Нуқталарнинг ошиши — жиноятларнинг кўпайиши — дарднинг юксалишидир.

Ойгул УБАЙДУЛЛА қиз.

## Юк ҳовлисидаги хўжасизлик



Халқ хўжалиги учун мўлжалланган юкларни бекаму кўст сақлаш биринчи галда темир йўл ходимлари зиммасига тушади. Лекин қимматбаҳо юкни сақлашга мўлжалланган 1-Термиз юк станцияси шундай қаровсиз ҳолдаки, ажабланасан киши.

Пўлат излардан келадиган вагонлар дарвозаси ҳам, қўриқчиси ҳам йўқ юк ҳовлисига киради-да, олиб келинган барча зарур жиҳозларни эгаси кўринмайдиган жойга ташлаб кетади.

— Вагонлар ҳовлида ишчи кучи, техника етишмаслиги туфайли узоқ мuddат туриб қолади, — дейди темир йўлнинг Термиз бекатидаги ички ишлар бўлими бошлиғи милиция майори Нурулло Миров. — Унинг устига бу ерда соқчиллик ҳам кўнгилдагидек эмас. Одамларга ҳайронсан. Гоҳида вагонлар ташқарисига юклар жўнатилаётган станция ўрнига бошқа жойни ёзиб қўйишади. Бу ҳам юклар ортилган вагонларнинг кўп вақт бир жойда туриб қолишига сабаб бўлади. Ҳарбийлаштирилган соқчиллик бўлинмаси ходимлари ўз ишига шунчалик лоқайдларки, асти қўяверасиз.

Бу ҳақда Термиз бекати бошлиғи Юрий Уткинга ва Душанбе темир йўли бошлиғи Вячеслав Давидовга мурожаат қилдим. Аммо улар чуқур сукут сақлашмоқда.

Ички ишлар бўлими учта жумҳурият — Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган юкларни белгиланган манзилга етиб боришни таъминлайди. Ундан ташқари хорижий юрларга ва Термиз қўналғасига жўнатиладиган юкларни ҳам назорат қилади.

Юқорида номлари кўрсатилган масъул шахсларнинг ўз ишига совуққонлиги, хўжасизлиги туфайли юк ҳов-


лисида қатор ўғирликлар содир бўляпти.

Биз милиция майори Нурулло Миров ҳамроҳлигида бекатдаги аҳвол билан танишгач, унинг жон кўйдириб гапирishi бекиз эмаслигига гувоҳ бўлдик.

**Ҳабибулла ШОДИЕВ,**  
«Постда»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Бедарвоза юк ҳовлисига олиб борадиган пўлат излар. 2-3. Очиқ жойда қаровсиз сақланган юклар. 4. Ички ишлар бўлими бошлиғи Нурулло Миров ўғирлик юз беришига сабаб бўлаётган очиқ эшик олдида.

Муаллиф олган суратлар.



Усмон Анорбоев Оққўрғон туманининг К. Сегизбоев номли давлат хўжалиги 6-бўлимидаги ишчи ширкатига қарашли дўконда сотувчи бўлиб ишлайди. Унинг турмуш ўртоғи Қизилгул Шаматова — шу хўжаликнинг болалар боғчасида мудира.

Қишлоқчилик эмасми, аҳоли қўйларини боқиб навбати Анорбоевга ҳам етиб келди. У қўлида чўт билан дўконга эмас, таёқ билан далага йўл олди.

Қизилгул Шаматова ҳам мудиралиқни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, эрининг ўрнини эгаллади. Унинг халатини кийдию «профессионал» сотувчи бўлди-қўйди. Дўконга кириб келган уч йитит Шаматовадан «Жасо-

рат» виноси сўрадилар.

— «Жасорат» бор, нечта керак?

— Тўрт шиша.

— Фақат бўш шиша қа-

қайтарди. Шу билан ҳисоб-китоб тугагандек эди. Аммо харидорлар чиқиб кетишга шошилди. Қайта ҳисоб қилиб кўришди. Сотувчи

## «ИВАН ВАСИЛЬЕВИЧ ЎЗ КАСБИНИ ЎЗГАРТИРАДИ»

бул қилгач, беришимиз мумкин...

— Марҳамат, ширани ўзимиз билан бирга олиб келганимиз. Мана, пулини ҳам олинг, — дея йититлар 30 сўм узатишди.

Қ. Шаматова уларга 14 сўм

уларга 3 сўму 28 тийин кам берган экан. Шундан кейин йититлар ўзларини таништиришди. Шаматованинг ранги оқарди, қизарди, яна оқарди... шу кўйи қора курсига ўтирди.

Судда у ўзининг барча ай-

бига ирроқлигини, бу қилмишидан ўта пушаймон эканлигини кўзада ёш билан билдирди.

Суд ҳайъати судланувчига жазо тайинлашда муқаддам судланмаганини, оялавий аҳволини, яшаш жойидан яхши тавсифномага эга эканлигини, уруш ва меҳнат фахрийларидан илтимосномалар борлигини ҳисобга олиб, Қизилгул Шаматовага 300 сўм жарима солиш билан чекланди.

Қ. Шаматова Иван Васильевичдек касб ўзгартириш бундай оқибат билан тугашини билганида, асло бу ишга қўл урмаган бўлар эди-ми?

Маҳкам ҲАКИМОВ.

# Шанба учрашувлари

## АЖАБ СИРЛАР

Ажаб сирлар бормиш бизнинг дўконда,  
Камёб моллар келса, гумдон шу онда.  
Қоғозда бор, лекин бўлмас ҳеч сонда!  
Инсоф йўқолмас агар инсонда,  
Ортиб қолар эди пуллар ҳамонда!  
Пештахталар бўм-бўш, харидор гаранг,  
Сотувчи тиржаяр — устаси фёранг.  
Ҳеч нарса ололмай, асаблар таранг,  
Бекорчи ташвиш кўп ҳар хонадонда.  
Кир совун ё шакар борми жаҳонда?  
Ун-гуручлар бирдан қайга йўқолар?

Ет-гўшти қай «ошно» гарамлаб олар?  
Ҳинд чойин ахтериб чойхўрлар толар,  
Аммо савдо қизир орқа томонда...  
Ажаб сирлар бормиш бизнинг дўконда!  
Фирибгарлик давом этади наҳот,  
Қайда у парварда, қайда у новвот?  
Халқ ғазабдан дейди: «Чайқовчидан дод!»  
Нарх-навоси баланд, орзу — осмонда,  
Ажаб сирлар бормиш бизнинг дўконда!  
Аччиқ қалампир ҳам кимгадир ширин,  
Баъзилар тузни ҳам пуллар яширин.  
Хуллас, Мурод излаб топмас ҳеч бирин,  
Гарчи ҳамма нарса мўлдир замонда...  
Ажаб сирлар бормиш бизнинг дўконда!



АКС-САДО

## «ДИЛФУЗА НЕГА СЕВГИМНИ РАД ЭТДИ?»

«Постда» рўзномасининг 25 июнь кунги сонидан С. Равшан изтироблари билан танишиб, бундан анча-мунча олдин ўзининг бошидан ўтган воқеалар ёдимга тушди. Қизларимдан бири шаҳардаги пой-афзал фабрикасида ишлаб юриб, бир йигит билан танишди. Бора-бора уларнинг ораларидаги муносабат муҳаббатга айланди. Афсуски, йигитнинг ота-онаси бу мақсадга қарши чиқибди. «Қизинг отаси миллионер экан, уни келин қилмаймиз», — дейишибди. Бу гапни эшитдим-у, бутун вужудимни муз қоллади. Аммо йигитнинг аҳди қатъий экан. Ҳозир бир пайтлар тўйга розилик бермаган қудаларимиз билан жуда алоқ-чалоқимиз.

Ундан кейинги қизимга Ўзбекистон туманидаги Деҳқонobod қишлоғидан совчи келди. Нима дейсиз, муҳаббат муҳаббатда. Лекин қизим билан алоҳида гаплашишга тўғри келди. Унга қишлоқнинг ўзига хос томонларини, яхши ва қийинчилик жиҳатларини обдон тушунтирдим.

Йўқ, қизимнинг ҳам мақсади қатъий, севгиси ҳақиқий экан. Тўй қилдик.

Худога шуқур, ҳозир ҳарикки қизим ҳам бахтли турмуш кечирапти.

Шундан ҳулоса қилиб, С. Равшанга айтаманки, тушқунликка тушманг. Дилфузага ўхшаб муҳаббатни шунчаки эрмак деб билганлар вақти келади, қуяди, сиз эса қуласиз. Албатта, бошингизга бахт қуши қўнади, ўғлим!

Б. БУРОНОВ,  
Қўқон шаҳри.

## ДИЁНАТНИ ХАТОЛАРГА АЛИШМА

Агар эсингизда бўлса, биз рўзномаимизнинг аввалги сонларида юқоридаги руқн остида бир неча бор ижод аҳли — бастакорлар, қўшиқчилар, қаламкаш шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказган эдик.

Бугунги таҳририятимиз меҳмони — Муроджон Раҳмон ҳам шоир сифатида ўз мухлисларини топган

ижодкордир. Муроджон лирикада ҳам, ҳажвийётда ҳам баракали ижод қилиб келаяпти. Унинг кўпқаб лирик шеърлари машҳур хонандалар томонидан қўйла-ниб, қўшиқ шайдолари дилига жо бўлмоқда. Шоир қўшиқларини, айниқса, ЎзССЖ халқ артистлари Нуриддин Ҳамроқулов, Ғулмўжон Ёқубов, ЎзССЖда хизмат кўрсатган артистлар

Ўринбой Нуралиев, Ҳалимжон Жўраев, ака-ука Исмоилжон ва Исроиљон Ваҳобов каби таниқли хонандалар мароқ билан қўйлашади. «Нилуфар», «Садоқат», «Ажаб сирлар», «Умидим қолди», «Мағрур қиз», «Самимийлик»... Бу қўшиқларнинг ҳар бири эзгуликни, самимийликни, гўзалликни ўзига жамлаб, қан-

ча-қанча дилларни ром этмаган дейсиз!

Биз ССЖИ журналистлар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистон телевидениеси Бадий-мусиқий курсатувлар ижодий бирлашмасида катта муҳаррир вазифасида хизмат қилаётган қўшиқчи шоир дўстимиз Муроджон Раҳмонга ижодий парвозлар тилаймиз.

(ҚУШИҚ)

Ширин, гулгун даврон учун қиларсан кўп жасоратлар,  
Сен туфайли — саодатлар, сен туфайли — фароғатлар,  
Бу касбга ким доғ туширса, аввал ўзинг жазосин бер,  
Адолатни ҳимоя қил, жасур ўғлон — милиционер.  
Йўлинг пойлаб она бедор, туну кунлар ёр интизор,  
Сен-чи, бу пайт хавф-хатарда жанг қилурсан мардондор,  
Эл иқболни кўриқлайсан, бўлсин учун бахт барқарор,  
Керак бўлса жонингни бер, тўкиб маржон пешона тер,  
Адолатни ҳимоя қил, жасур ўғлон — милиционер.  
Мурод айтар, диёнати хатоларга алишмагин,  
Ҳалол инсон қадрин асло тиллоларга алишмагин,  
Чин дўстларни маккор, сохта «ошно»ларга алишмагин,  
Ватан учун жонинг тиккин, то халқ сени қахрамон дер,  
Адолатни ҳимоя қил, жасур ўғлон — милиционер.

Муроджон РАҲМОН.

## МИЛИЦИОНЕР

«ОҚ ТУЛПОР ИЗИДАН» ВИДЕОФИЛЬМИНИ КҮРИБ

Яхшига ҳам, ёмонга ҳам гулшан экан бу Оиш-ер,  
Шу гулшанни пок асра, сен тўкиб маржон пешона тер.  
Халқинг учун бор кучингни, имконинг қалбингни бер,  
Адолатни ҳимоя қил, жасур ўғлон — милиционер,  
Керак бўлса жонингни бер, мард, қахрамон милиционер.  
Ғайратингни чандон этиб, кўкрагингни қалқон этиб,  
Ғанимлар-ла қуршарсан, ёвузликни вайрон этиб,  
Сенга ишонч билдирган эл тинчлик учун посбон этиб,  
Халқ ишончин оқла доим, керак бўлса жонингни бер,  
Адолатни ҳимоя қил, жасур ўғлон милиционер.  
Ифтихорли, оғир йўлда кўрсатарсан матонатлар,

## У ҲАМОН ОЛЯПТИ...

У учига чиққан (теракнинг учидан ҳам баландга) порахўр, тенгсиз таъмагир эди. Жигилдони худди чангютгичдек бетиним «ишларди». «Чанг» билан таъминловчилар хонасига кирсалар борми, тамом, унинг ҳатти-ҳаракатларини роботга ўхшатаверинг. Бир қўли (тўғрироғи, ўнг қўли)

нинг бирон жойингиз (масалан, бурнингизнинг учи) қичишиб қолса, қўлингизни олиб борганингиз ҳамон қаршингиздан сизга бир қўл узатилади. Билингни, у порахўрнинг қўли. Бир-икки ишлатган дастурмолчангизни узатсангиз ҳам олаверади. Унганига шуқур, дейди.

ҲАЖВИЯ

аввал бир неча бор чўнтагига кириб-чиқади, кейин икки-уч марта тортмани очиб-ёпади, охирида сўнгги чора сифатида чети йиртилган конвертларни авайлабгина гижимлайди-да, секин ахлат қутисига ташлайди. Иккинчи қўли, яъни чап қўли (сўрашингиз мумкин: «Одамда иккита қўл бўлади, изоҳ бериш шартми?») Шарт. Чунки порахўрнинг қўли иккита эмас-да... бетўхтов галати ва яна қандайдир сирли ишоралар қилиб туради.

...У шу тариқа яшайверди. Орадан ойлар ўтди. Қайта қуриш шамоли унинг ҳам баданини жунжиктирди. Аммо арслон изидан қайтмас экан. У ҳамон оляпти. Ҳамон қўл чўзади. Умидворлик билан кўз тикади. Фақат олаётгани кўп катта эмас. Уни узатадиган киши ҳам биттагина. Илтижоли нигоҳ билан боққанида хотини унга панжаранинг нариги томонидан кичкинагина тугунча узатади. У эса олади. Борига шуқур, дейди...

Нормамат ТОҒАЕВ,  
Косон шаҳри.



ХАЛҚИМИЗДА бекорчидан худо безор деган нақл бор. Агар бунни кенгроқ миқёсда ўйлаб кўрадиган бўлсак, барча жиноятчиликнинг илдизи ана шунга бориб тақалади. Айниқса, ёш болалар гўёки ниҳолдай гап. Қайси томонга тортсанг, шу томонга эгилади. Шундай экан, уларни дастлабки пайтлардан оқ фойдали машғулотларга жалб этиш кони фойда.

СУРАТДА: Чилонзор туманидаги Аркадий Гайдар номи кашшоф ва ўқувчилар уйида мунтазам ишлаб турган наққошлик тўғрагининг фаол аъзоларидан Рустам Султонов ва Жавоҳир Қосимовлар. Х. ШОДИЕВ олган сурат.

## ХАНДАЛАР

— Тўрт кундан бери нега ишга келмайсиз?  
— Тобим қочиб қолди, ўртоқ майор.  
— Бу гапингизга қандай ишонсам бўлади?  
— Тўрт кун ишга келмадим-ку...

— Хўш-ш, ўртоқ навбатчи, маъбуслар қандай қочибди?  
— Ернинг остидан, ўртоқ бошлиқ.  
— Кўзингиз қаёқда эди?  
Сиздан сўраяпман!  
— Ернинг устида, ўртоқ бош-ш...

## БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

«Жиноятчилардан бири тугилди. Зудлик билан иккинчисини ҳам қўлга олиш керак. Ушланган заҳоти иккаласи ҳам қамалади»...

[Йигилишда айтилган хабардан]

«Урта бўйли, жингалак сочли киши бедарак йўқолган. Асосий белгилари: кулоғи эшитмайди, бурни ҳид билмайди, буйрағида тоши бор, сочи малла ёки қора

рангда, тиши йигирма саккизта.  
Кўрган ёки билган кишилардан хабар беришларини сўраймиз».

[Эълондан]

«Уйимга ўғри тушди! Тез этиб келинглар. Биз ўғри кетган тарафга кўз-қулоқ бўлиб турамиз».

[Сиз орқали сўзлашувдан] Ҳайитмуҳаммад МУМИНОВ, милиция лейтенанти.

## ЭЪЛОН

«Постда» рўзномасига шошилиш равишда ўзбекча машинкада ишлаб оладиган ходималар керак. Иш ҳақи ва шароити ҳақида 39-77-23 рақамли телефон орқали маълумот олиш мумкин.

Мухаррир  
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ орденили босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир,  
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,  
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —  
(«НА ПОСТУ») —  
Орган коллегии МВД  
ЎзССР